ИСЛОҲОТЛАР—ИНСОН МАНФААТЛАРИ УЧУН!

«ИНСОН ВА ҚОНУН»

КҮШ — ӘДИЛЛИКТЕ

Газета 1996—жыл 1-сентябрден баслап шыға баслады

31 ОКТЯБРЬ 1997 ЖЫЛ 33 (40) ЖУМА

сатыўда еркин баҳада

АДАМ ХӘМ НЫЗАМ

ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ҲУҚЫҚ ҚОРҒАЎ УЙЫМЛАРЫНЫҢ ЖӘМИЙЕТЛИК—ҲУҚЫҚЫЙ ГАЗЕТАСЫ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши

Наманган ва Фарғона вилоятларида 1997 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топширишнинг қониқарсиз аҳволи ҳақида

1997 йилда Наманган ва Фарғона вилоятларида пахта тайёрлаш топшириғини бажариш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Бугунги кунга қадар Бешариқ, Наманган, Чортоқ туманлари ва 50 дан ортиқ хўжаликлар пахта тайёрлаш йиллик топшириғини уддаладилар. Норин, Олтиариқ ва Фарғона туманлари ҳам йиллик топшириқни бажариш арафасида меҳнат қилмоқдалар.

Шу билан бирга 17-18 октябрь кунлари жойларга бориб аҳвол ўрганилганда бир қатор туман, ташкилот ва хўжалик раҳбарлари қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг моҳиятини тўла тушуниб етмаётганликлари, айниқса, пахта етиштириш ва тайёрлашда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйаётганликлари аниқланди. Жумладан, мавжуд техникаларни мавсумга ўз вақтида тайёрланмаганлиги, кузги шудгор сифатсиз ва ўғитсиз ўтказилганлиги, баҳорда пахта экиш муддати кечиктириб юборилганлиги, уруғчиликка эътибор берилмаганлиги, ғўзани парвариш қилишда агротехника талаблари қўпол равишда бузилганлиги, ғўза дефолиациясини ўтказишда кўзбўямачиликка йўл қўйилганлиги бугунги кунда терим суръатларига катта таъсир кўрсатмоқда. Наманган вилоятида жорий йилда атиги 3,5 минг тонна, Фарғона вилоятида умуман бир тонна ҳам пахта машинада терилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бундай ҳолатларнинг ўз вақтида олдини олиш чораларини кўрмаган. Улар жойларда амалий ёрдам бериш ўрнига хотиржамлик ка, бепарволикка, бирибошимчалика берилиб ҳисобот бериш ва рақамларни бўрттириб кўрсатиш билан шуғулланганлар.

Жойларда кадрларга нисбатан талабчанлик етишмайди. Лоқайдлик, бепарволик ва манманлик муҳити ҳукм сурмоқда. Янгиликка интилмай эскича фикрлайдиган раҳбарлар билан муросасозлик қилиб келинмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб:

1. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар қониқарсиз олиб борилаётганлиги, хусусан пахта етиштириш ва уни йиғиб-териб олишдаги жиддий хато ва камчиликларга ҳамда бу борада техникага таянмаслик кайфиятида бўлиб, йил давомида хотиржамлика берилиб пахта агротехник холатлари ҳисоботларини онгли равишда бузиб кўрсатиш ҳолларига йўл қўйганликлари ва ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараганликлари оқибатида давлатга иқтисодий зарар етказилганлиги учун Наманган вилояти ҳокими Т. Жабборовга ва Фарғона вилояти ҳокими Н. Мўминовга ҳайфсон эълон қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 августдаги қарорининг бажарилишини таъминламаганликлари учун Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимларининг қарорлари билан Тўрақўрғон, Косонсой, Уйчи, Чуст, Охунбобоев, Тошлоқ, Боғдод, Бувайда, Риштон туманлари ҳокимларига ҳайфсан эълон қилинганлиги ҳамда Ёзёвон тумани ҳокими Х. Ахмадалиев ва вазкур вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқлари буйруғи билан Ёзёвон, Учкўприк, Тошлоқ, Боғдод, Бувайда, Косонсой, Поп ва Чуст туманлари қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқларининг ўз лавозимларидан бўшатилганликлари инобатга олинсин.

3. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотлар талаб даражасида олиб борилмаётганлиги, пахта етиштириш технологиясн ва уруғчилик билан жиддий шуғулланилмаётганлиги, ҳисоботлар кўзбўямачилик билан бўрттириб кўрсатилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири М. Жуманиёзовга ҳайфсон эълон қилинсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимларига жорий йилда етиштирилган пахта ҳосилини тез фурсатда йиғиштириб олишни таъминлашнинг қатъий чора-тадбирларини кўриш, бу борада лоқайдликка, эътиборсизликка, сансалорликка йўл қўйаётган раҳбарларнинг масъулиятини кўриб чиқиб, уларнинг ўрнини ёш, изланувчан, ташаббускор кадрлар билан тўлдириш вазифаси топширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси (Б. Мустафоев), Ички ишлар вазирлигига (З. Алматов) етиштирилган пахта ҳосилини йиғиштириб олишда нобудгарчиликка йўл қўйилаётган, ўз вазифаларига совуққонлик билан қараш оқибатида давлатга иқтисодий зарар етказилаётган ҳолатларга нисбатан амалдаги қонунлар доирасида чора кўриш топширилсин.

6. Мазкур Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1997 йил 21 октябрь.

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСЫНДА

НЫЗАМЛЫЛЫҚ— ТУРМЫС НОРМАСЫ

Турмыстың барлық салаларында нызамның артықмашлығы—бул ҳуқықый демократиялық мәмлекет қурыўдың тийкарғы шәртлериниң бири. Бизиң елимиздиң Президенти Ислам Кәримов буны талай рет атап көрсетти. Ал, егер жәмийетлик турмыста болсын ямаса экономикада болсын нызам талапларын бузыў жағдайлары жүз берсе, онда булар бизиң прогресске баратуғын жолымызға кесент келтиреди.

Республика прокуратурасы коллегиясының 27-октябрьде болып өткен кеңейтилген мәжилисинде усылар туўралы сөз болды. Онда аўыл хожалығында түпкиликли реформаларды әмелге асырыў бойынша нызамлылықты тәмийинлеўдиң әҳмийетли ўазыйпалары додаланды. Мәжилиске ўәлаятлық ҳәм районлық прокурорлар, тийисли министрликлердиң, мәкемелердиң ҳәм шөлкемлердиң басшылары, ўәлаятлар ҳәкимлериниң аўыл хожалық мәселелери менен шуғылланыўшы орынбасарлары, бир қатар районлардың ҳәкимлери қатнасты.

Күн тәртибиндеги мәселе бойынша Республика Бас прокуроры Б. Мустафаев баянат жасады.

Мәжилисте былай деп көрсетилди, бизиң елимизде республика экономикасының әҳмийетли тараўы болған аўыл хожалығында реформалардың нәтийжелилигин көтериўге айрықша дыққат бөлинип атыр. Тараўда алдыңғы технология ҳәм тәжирийбе, жумыстың жаңа усыллары енгизилмекте. Соның менен бирге агросанаат комплексиниң ҳәзирги басқышта раўажланыўы барлық орынларда қанаатланарлық деп айтыўға болмайды. Мәжилисте орын алған кемшиликлердиң себеплери ҳәр тәреплеме додаланды.

Аўыл хожалығында экономикалық реформаларды тереңлестириў бойынша республикалық комиссияның мәжилисинде бизиң елимиздиң басшысы Ислам Кәримов қабыл етилген нызамларды, аўыл хожалығын раўажландырыўға қаратылған нормативлик-ҳуқықый ҳүжжетлерин әмелге асырыў бойынша жумысларды таллап шығыўды комиссия алдына ўазыйпа етип қойған еди. Ал, бул быйылғы жылы пахта жыйын-терими мәўсимине таярлық бойынша, зүрәетти жыйнап-терип алыў бойынша илажлардың орынланыў барысын үйренип шығыўды талап етеди. Усы мақсетте республика прокуратурасы орынларда аўыл хожалығы бойынша нызамларды, пәрманларды ҳәм қарарларды орынлаў бойынша тексериўлер өткерди. Тексериўлердиң барысында орынларда жерлерден пайдаланыў мәселелери бойынша нызам талапларының бузылыў жағдайларына жол қойылып атырғанлығы, атызларды азықландырыўға, жерлердиң қунарлылығын арттырыўға ажыратылған қаржылардың надурыс жумсалып атырғанлығы анықланды. Сондай-ақ, есапларда пахта ҳәм дәнли дақыллардың майданларын азайтып көрсетиў, оларды басқа мақсетлерге пайдаланыў жағдайлары да ушырасып атыр. Мәселен, Сырдәрья ўәлаятының Ақ алтын районының Таиров атындағы дийқан-фермер хожалығында пахта атызынан 108 гектар ҳәм дәнли дақыллар ушын арналған 311 гектар жер хожалыққа қатнасы жоқ адамларға салы ҳәм палыз өнимлерин жетистириў ушын берилген. Ямаса Наўайы ўәлаятының Нәўбәҳәр районы ҳәкиминиң 10 тонналап жақын бийдайды өзлестирген ҳәм сатқан бурынғы орынбасарының ҳәрекетлерин қалай баҳалаў мүмкин? Буның ушын ол жынаят жуўапкершилигине тартылды.

Тийкарғы аўыл хожалық дақылы болған пахта егиў, тәрбиялаў ҳәм зүрәәтти жыйнап алыў агротехникасының қәделерин бузыў, туқым шигитлердиң сапасына дыққатсызлық, техниканы мәўсимге таярлаў исиндеги өзибоқалылық, айырым ўәлаятлардағы ийек артыў кейинлери жыйын-терим мапазының мүддетлерин созып жибериўдиң себеби не айланып отыр. Мынадай таң қаларлық фактлер буған дәлил болыўы мүмкин; Ташкент ўәлаятында қолда бар 976 орып-жыйнаў агрегатларынан жәми тек 373, Сырдәрья ўәлаятында 1424 агрегаттан 431, ал Жиззақ ўәлаятында 1471 машинадан тек 157 машина пайдаланып атыр. Оның үстине, тутас бир қатар ҳүжжетлерди таярлаўда көз бояўшылыққа жол қойылған. Техниканы, минерал тоғынлерди ҳәм басқа да қуралларды сақлаў, пайдаланыў исинде көплеген тәртип бузыў жағдайлары бар. Атап айтқанда, Шартақ, Зафарабад ҳәм Дослық районларында ғаўаша ушын жеткерип берилген минерал төгинлердиң әдеўир бөлеги талан-тараж етилген. Ал, Бухара ўәлаятында дефолиацияға 146 миллион сўм жумсалған болса, машиналар менен жәми 71 тонна пахта терип алынған. Буны қалай баҳалаў мүмкин?

Мәжилисте усы қәтеликлер ҳәм кемшиликлер ушын жуўапкер басшыларға тийисли илажлар көриледи деп атап көрсетилди.

Додаланған мәселелер бойынша Сурхандәрья ўәлаяты ҳәкиминиң орынбасары Ш. Балтаев, Наўайы ўәлаяты ҳәкиминиң орынбасары Ж. Ризаев, Жиззақ ўәлаяты ҳәкиминиң биринши орынбасары С. Ешбаев, Аўыл ҳәм суў хожалық министри М. Жуманиязов, «Өзқишлохужатаъминоттаъмир» мәмлекетлик-кооператив комитетиниң баслығы Б. Әлимжанов, «Өзхимиясанаат» ассоциациясының баслығы Н. Юсупбеков ҳәм бир қатар районлардың ҳәкимлери мәлимлеме берди.

Коллегияның кеңейтилген мәжилисинде қаралған мәселе бойынша тийисли шешим қабыл етилди.

Мәжилисте республика Бас министриниң биринши орынбасары И. Жорабеков, Президенттиң мәмлекетлик кеңесгөйлери Т. Алимов, Б. Ғуламов, Я. Жалалов, Бас министрдиң орынбасарлары Б. Хамидов, А. Мухитдинов, Жоқарғы суд баслығы У. Мыңбаев, Ишки ислер министри З. Алматов, Әдиллик министри С. Мирсафаев қатнасты.

(ӨзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Озиқ—овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Ушбу Қонуннинг талаблари атир-упа, пардоз-андоз моллари ва тамаки маҳсулотларига ҳам тааллуқлидир.

2-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

болаларбоп озиқ-овқат маҳсулотлари — болалар организмининг (уч ёшгача) физиологик хусусиятларига жавоб берадиган махсус озиқ-овқат маҳсулотлари;

гигиена сертификати — озиқ-овқат маҳсулоти, технология, ускуна ва бошқа жараёнлар амалдаги санитария нормалари ва қоидаларига мос эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

овқатга қўшиладиган биологик фаол қўшимчалар — озиқ-овқат хом ашёсини қайта ишлаш йўли билан ёки сунъий усулда ҳосил қилинган ҳамда бевосита овқат билан бирга истеъмол қилишга ёки озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига қўшишга мўлжалланган табиий ёхуд табиийга айнан ўхшайдиган биологик фаол моддаларнинг концентратлари;

озиқ-овқатлар — озиқ-овқат хом ашёсидан тайёрланган ҳамда натурал ёки қайта ишланган ҳолида истеъмол қилинадиган маҳсулотлар;

озиқ-овқат маҳсулоти — озиқ-овқат хом ашёси, (шу жумладан этил спирти), озиқ-овқатлар (шу жумладан алкоголли ичимликлар) ва уларнинг таркибий қисмлари, озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқатларга тегиб турадиган моддалар, материаллар ёрдамчи ва қадоқлаш материаллари ҳамда улардан тайёрланган буюмлар бирга;

озиқ-овқат маҳсулоти муомаласи — озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш билан боғлиқ фаолият;

озиқ-овқат маҳсулотини реализация қилиш — озиқ-овқат маҳсулотини маълум шартлар билан сотиш, етказиб бериш ва топширишнинг бошқа шакллари;

озиқ-овқат маҳсулотининг сифати — озиқ-овқат маҳсулотининг истеъмол хоссаларини белгилаб берадиган ва унинг одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизлигини таъминлайдиган мезонлар мажмуи;

озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги — озиқ-овқат маҳсулотининг санитария, ветеринария, фитосанитария нормалари ва қоидаларига мослиги;

озиқ-овқат хом ашёси — озиқ-овқатлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ўсимлик, ҳайвонот, минераллар объектлари, сув;

озиқ-овқатларни ҳамда озиқ-овқат хом ашёсини таққослаш — озиқ-овқатлар ҳамда озиқ-овқат хом ашёси аниқ турдаги ва номдаги маҳсулотга доир норматив ва (ёки) техникавий ҳужжатда белгилаб қўйилган муҳим мезонларга мос келишини аниқлаш;

озиқ-овқат маҳсулотининг яроқлилик муддати (фойдаланиш муддати) — бу муддат давомида озиқ-овқат маҳсулотини сақлаш, ташиш, реализация қилиш чоғида хавфсизлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилган тақдирда у фойдаланишга яроқли бўлиб туради, бу муддат тамом бўлганидан кейин эса маҳсулот одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлиб қолиши мумкин;

озиқ-овқат маҳсулотини қалбакилаштириш — озиқ-овқат хом ашёсининг ҳамда озиқ-овқатларнинг хоссалари ва мезонларини атайлаб ўзгартириш ёки уларни алмаштириб қўйиш;

озиқ-овқат қўшимчалари — озиқ-овқатларга белгиланган хоссаларни бахш этиш ва (ёки) уларни сақлаб қолиш мақсадида атайлаб қўшиладиган табиий ҳолдаги ёки синтез қилинган моддалар, бирикмалар;

токсикология-гигиена экспертизаси — озиқ-овқат маҳсулоти устида амалга ошириладиган бир туркум лаборатория тадқиқотлари бўлиб, улар мавжуд нормалар ва қоидалар билан қиёслашга мўлжалланган бўлади;

қадоқлаш материаллари, ёрдамчи материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар — озиқ-овқат маҳсулотини муомала жараёнида ташқи таъсирлардан ҳимоялаш мақсадида ишлатиладиган воситалар.

3-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгилаб қўйилган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Бош давлат ветеринария бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази ҳамда қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа органлар (бундан кейин матнда давлат назорати органлари деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви қуйидагиларни ўз ичига олади:

давлат томонидан нормалаш;

озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш;

озиқ-овқат маҳсулотини сертификатлаш;

давлат назорати ва текшируви;

озиқ-овқат маҳсулотининг сифатини ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини режалаштириш.

5-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат томонидан нормалаш

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат томонидан нормалаш озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига, уни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш шарт-шароитларига қўйиладиган талабларни ўз ичига оладиган санитария, ветеринария, фитосанитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини, давлат стандартларини, техникавий шартларни (бундан кейин матнда нормалар ва қоидалар деб юритилади) белгилаш йўли билан амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига доир нормалар ва қоидалар давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади ва улар озиқ-овқат маҳсулоти муомаласи соҳасида иш олиб бораётган юридик ҳамда жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

6-модда. Озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш

Озиқ-овқат маҳсулоти ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналар озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига доир нормалар ва қоидалар талабларига мослиги баҳоланганидан ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ишлаб чиқарилиши, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши, реализация қилиниши ва ишлатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб кирилаётган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага рухсат берилган озиқ-овқат маҳсулотини ва ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация марказ томонидан давлат санитария назорати органлари берадиган гигиена сертификати асосида амалга оширилади.

Қуйидагиларга йўл қўйилмайди;

озиқ-овқат маҳсулотининг ҳар хил турларини бир хил номда давлат рўйхатидан ўтказиш;

айни бир турдаги озиқ-овқат маҳсулотини бир хил ёки ҳар хил номлар билан қайта-қайта рўйхатдан ўтказиш;

таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган озиқ-овқатларни, овқатга қўшиладиган озиқ-овқат қўшимчалари, ембоп қўшимчалар ва биологик фаол қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш.

7-модда. Озиқ-овқат маҳсулотини, уни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва у билан савдо қилишга мўлжалланган технологиялар, ускуналар, буюмлар ва воситаларни сертификатлаш

Озиқ-овқат маҳсулоти, уни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва у билан савдо қилишга мўлжалланган технологиялар, ускуналар, буюмлар ва воситалар уларнинг нормалар ва қоидаларга мослигини тасдиқлаш мақсадида сертификатланиши лозим.

Мажбурий сертификатланадиган маҳсулотлар рўйхати ҳамда сертификатлашдан ўтказиш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

8-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш ва текшириш

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги ушбу Қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган давлат назорати органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида назорат қилинади ва текширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар белгиланган нормалар ва қоидаларга риоя этилиши устидан ишлаб чиқариш назоратини таъминлайдилар. Ишлаб чиқариш назоратини амалга ошириш тартиби озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига доир нормалар ва қоидаларга, норматив ҳамда технология ҳужжатлари талабларига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар бажарадиган ишлар ва хизматларнинг хусусиятларини ва шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади ҳамда тегишли давлат назорати органлари билан келишилади.

Ишлаб чиқариш назоратини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар нормалар ва қоидаларнинг талаблари бузилганлиги аниқланган тақдирда ишларни амалга оширишни ва хизматлар кўрсатишни аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйишлари шарт.

Жамоат бирлашмалари қонун ҳужжатларига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлашга доир нормалар ва қоидалар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳақли.

9-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини режалаштириш

(давоми 3-бетда).

29-ОКТЯБРЬ ҚОРҒАЎ БӨЛИМИ ХЫЗМЕТКЕРЛЕРИ КҮНИ

ХАЛЫҚ ТЫНЫШЛЫҒЫ ЖОЛЫНДА

Қарақалпақстан Республикасы ишки ислер министрлиги жанынан 1956 жылы дүзилген қорғаў бөлими мәмлекетлик әҳмийетли объектлериң қорғаў менен өз хызметин баслаған еди.

Бизиң қорғаўшыларымыз мәмлекетимиз байлығы болған қымбатлы мүлклерди көз қарашығындай асырап келмекте. Дәслепки күнлерде тек ғана мәмлекетлик, жәмийетлик орынларын қорғаған болсақ, бүгинги күнде пуқаралардың жеке үйлерин де қорғап атырмыз.

Бизиң қорғайтуғын объектлеримиз ол ўақытлары техникалық-материаллық жақтан тәмийинленбеген еди. Сол себепли көп қыйыншылықлар жүз берген еди. Арадан бираз жыллар өтиў менен қорғайтуғын объектлеримиз саны асып барды. Қараўыллар орнына милиция хызметкерлери постта тура баслады.

1960-жылларда 120 дан артық объект қорғалып бул жердеги урлықлардың, өрт алыў жағдайларының алды алынды.

Ҳәзирги күнде 800 ден аслам объект, 230 дан зыят жеке үйлер бизиң хызметкерлер тәрепинен қорғалмақта. Бизиң бөлимимиз заманагөй техника қураллары менен тәмийинленген болып, үскенелер жақсы ислейди. Нәтийжеде соңғы алты жылда 42 урлық жынаятлар ашылып, 150 ден зыят урлықта гүмандар адамлар иркиўге алынды.

Жәмийетлик тәртипти сақлаў, объектлерде ҳәм пуқаралардың үйлеринде урлықты болдырмаў, оның алдын алыў бойынша хызметкерлеримиз өз ўазыйпаларын қырағылық пенен орынлап бара береди.

Биз буннан кейинде өз билимлеримиз, тәжирийбелеримиз бенен халқымыздың тынышлығын сақлаўға, абадан өмир сүриўине өз үлесимизди қоса беремиз.

Мен Республикамыз қорғаў бөлимлериниң барлық хызметкерлерин өзлериниң кәсиплик байрамы менен қутлықлап, олардың машақатлы жумысларында үлкен табыслар тилеймен.

Б. АДИЛОВ,
Қарақалпақстан Республикасы ИИМ жанындағы қорғаў бөлиминиң баслығы, милиция подполковниги.

Эълон

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙ!

1998 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларининг ижтимоий-ҳуқуқий газетаси «Адам ҳәм Нызам» — «Инсон ва Қонун» га ёзилишга шошилинг.

Газетанинг фуқаролар учун йиллик обуна баҳоси 613 сўм 40 тийин

Ярим йилга 306 сўм 70 тийин

Корхона ва ташкилотлар учун эса йиллик обуна баҳоси 1613 сўм 40 тийин

Ярим йилга 806 сўм 70 тийин.

Газетанинг индекси: фуқаролар учун 321.

Корхоналар учун 322.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Озиқ—овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида

Озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқаришни, озиқ-овқат моллари билан савдо қилишни, умумий овқатланиш тизимини ривожлантиришнинг республика ва минтақавий мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш чоғида озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирлари назарда тутилмоғи керак.

10-модда. Янги озиқ-овқат маҳсулотини яратиш ва ишлаб чиқариш

Юридик ва жисмоний шахслар янги озиқ-овқат маҳсулотини яратиш ва ишлаб чиқариш ёки уни такомиллаштириш чоғида, шунингдек ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш чоғида озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигини, яроқлилик муддатини, сифат кўрсаткичларини ва назорат қилиш усулларини асослаб беришлари шарт.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифат кўрсаткичлари, унинг хавфсизлигига қўйиладиган талаблар мажбурий бўлиб, ушбу маҳсулотнинг норматив ҳужжатларига киритилади.

Сифати ва хавфсизлиги муайян вақт ўтганидан кейин ўзгариши ҳамда одамларнинг ҳаёти ва саломатлигига хавф туғдириши мумкин бўладиган озиқ-овқат маҳсулотига яроқлилик муддати белгиланади.

Янги озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқаришга, янги технологияларни жараёнларини, ускуналарни жорий этишга улар токсикология-гигиена экспертизадан, ҳайвонлардан олинадиган озиқ-овқат хом ашёси эса — ветеринария экспертизасидан ўтказилганидан ҳамда маҳсулот белгиланган нормалар ва қоидаларга мослиги ҳақида давлат санитария назорати органининг гигиена сертификати ёки хулосаси ёхуд ветеринария назорати органининг хулосаси олинганидан ва озиқ-овқат маҳсулоти давлат реестрига киритилганидан кейин йўл қўйилади.

11-модда. Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш

Озиқ-овқат маҳсулотини юридик ва жисмоний шахслар нормалар ва қоидалар талабларига мувофиқ ишлаб чиқарадилар.

Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқаришда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган озиқ-овқат хом ашёсидан, озиқ-овқат қўшимчаларидан, қадоқлаш ва ёрдамчи материаллардан ва улардан ишланган буюмлардан, ускуналардан фойдаланишга йўл қўйилади.

Таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган озиқ-овқат қўшимчалари, ембоп қўшимчалар ва биологик фаол қўшимчаларни ишлатиш тақиқланади.

Ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотининг сифати белгиланган нормалар ва қоидалар талабларига мос бўлиши ушбу Қонун 7-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган маҳсулотларнинг сифати эса сертификат билан ҳам тасдиқланиши керак.

Ҳайвонлардан олинадиган озиқ-овқат хом ашёсини етиштириш чоғида ем-хашаклар, ем қўшимчалари, ҳайвонларни парваришлашда ишлатиладиган ветеринария дори воситалари ва препаратларини қўлланишга улар давлат ветеринария назорати органлари томонидан давлат санитария назорати органлари билан келишган ҳолда рўйхатдан ўтказилганидан кейин йўл қўйилади.

Ўсимликлардан олинадиган озиқ-овқат хом ашёсини етиштириш чоғида заҳарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитларни қўлланишга улар токсикология-гигиена экспертизасидан ўтказилганидан кейин йўл қўйилади.

12-модда. Озиқ-овқатларни қадоқлаш, ўраш ва тамғалаш

Озиқовқат ишлаб чиқарувчи юридик ва жисмоний шахслар уларни қадоқланган, ўралган (барча муомала босқичларида сифати ва озиқлик қиммати сақланиб қолишини таъминлайдиган) ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тамғаланган ҳолда чиқаришлари шарт.

Қадоқланган ва ўралган озиқ-овқатлар, овқатга қўшиладиган биологик фаол қўшимчалар, озиқ-овқат қўшимчалари ёрлиқларга (суқма варақаларга) эга бўлиши, уларда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

озиқ-овқатнинг номи;

озиқовқатни нимага мўлжалланганлиги (болаларга махсус мўлжалланган маҳсулотлар ва парҳез таомлар учун);

тайёрловчининг номи;

товар белгиси (белгига эга ташкилотлар учун);

озиқ-овқат таркибига кирган нарсалар, шу жумладан озиқ-овқат қўшимчаларининг номи;

озиқлик қиммати, нави;

сақлаш шарт-шароитлари;

тайёрланган санаси, яроқлилик муддати;

тайёрлаш усули (масаллиқлар ҳамда махсус болаларбоп ва парҳез озиқ-овқат маҳсулотлари учун);

оғирлиги;

фойдаланиш усули (биологик фаол қўшимчалар: озиқ-овқат қўшимчалари, махсус болаларбоп ва парҳез озиқ-овқат маҳсулотлари учун);

мувофиқлик белгиси (маҳсулотини мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини берадиган лицензияси бор корхоналар учун);

норматив ёки техникавий ҳужжатларнинг номерлари.

13-модда. Озиқ-овқатларни сақлаш ва ташиш

Озиқ-овқатларни сақлайдиган ва ташийдиган юридик ва жисмоний шахслар нормалар ва қоидаларга риоя этишлари, озиқ-овқат сифати сақланишини таъминлашлари шарт.

14-модда. Озиқ-овқат маҳсулотини реализация қилиш

Мажбурий сертификатланадиган озиқ-овқат маҳсулоти юридик ва жисмоний шахслар томонидан озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини тасдиқлайдиган мослик сертификати ёки мувофиқлик белгиси бўлган тақдирда реализация қилинади.

Озиқ-овқат маҳсулотини чакана сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулоти билан савдо қилишга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шу мақсадлар учун ажратилган жойларда йўл қўйилади.

Қуйидаги ҳолларда озиқ-овқат маҳсулотини реализация қилишга йўл қўйилмайди:

маҳсулот сифати белгиланган нормалар ва қоидалар талабларига мувофиқ бўлмаса, мажбурий сертификатланадиган маҳсулотлар учун эса мослик сертификати бўлмаса;

сақлаш ва реализация қилиш учун тегишли шароит бўлмаса;

яроқлилик муддати тугаган бўлса;

маҳсулот қалбакилаштирилган бўлса; маҳсулотларни таққослаш мумкин бўлмаса.

15-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига озиқ-овқат маҳсулотини олиб кириш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулоти ушбу Қонунда кўрсатилган нормалар ва қоидаларнинг талабларига мувофиқ бўлиши шарт.

Четдан олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулотини етказиб берувчи уни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ишлаб чиқарувчининг ва экспорт қилувчи мамлакат махсус ваколатли органининг ушбу маҳсулот хавфсизлигини тасдиқловчи ҳужжатларини, тегишли экспертиза ўтказиш зарур бўлганида эса — озиқ-овқат маҳсулотининг намуналарини тақдим этади.

Четдан олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулоти, технологиялар ва ускуналар қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий сертификатланиши лозим.

Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулоти сифати ва хавфсизлигининг нормалар ва қоидаларга мослиги давлат назорати органлари томонидан божхона органлари билан биргаликда белгиланган тартибда аниқланади.

16-модда. Озиқ-овқат маҳсулотини олиб қўйиш

Одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган озиқ-овқат маҳсулоти тегишли давлат назорати органларининг қарорига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилиши керак.

17-модда. Нормалар ва қоидаларга мос келмайдиган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланиш ва уни йўқ қилиб ташлаш

Яроқлилик муддати ўтган, сифатсизлиги белги бериб турган, таққослаш ва ишлаб чиқарувчисини аниқлаш мумкин бўлмаган, шунингдек давлат санитария ва (ёки) ветеринария назорати органлари томонидан гигиена ва (ёки) ветеринария экспертизаси ва сертификатлаш синовлари натижалари бўйича овқатга ишлатиш учун яроқсиз деб топилган озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилишдан олиб ташланади, у белгиланган мақсадда ишлатилмаслиги ҳамда қайта ишланиши ёки йўқ қилиб ташланиши керак.

Озиқ-овқат маҳсулотини қайта ишлаш ёки йўқ қилиб ташлаш усуллари ва шартлари унинг эгаси томонидан тегишли давлат назорати органлари билан келишиб олинади.

Озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланиш (уни қайта ишлаш) ёки йўқ қилиб ташлаш унинг эгаси томонидан ёки маҳсулот эгаси шу ишларни бажаришни шартнома бўйича топширадиган ташкилотлар томонидан комиссия иштирокида амалга оширилади. Комиссия таркибига давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг, давлат назорати органларининг, солиқ органларининг ва жамоатчиликнинг вакиллари киради.

Озиқ-овқат маҳсулоти ҳайвонларга ем сифатида ишлатилгунича ёки йўқ қилиб ташлангунича алоҳида жойда (резервуарда), алоҳида ҳисобда, миқдорини, ишлатиш (қайта ишлаш) ёки йўқ қилиб ташлаш усуллари ва шартлари аниқ кўрсатилган ҳолда сақланиши керак. Бундай маҳсулотнинг бут сақланиши учун унинг эгаси жавобгар бўлади.

Озиқ-овқат маҳсулотини экспертиза қилиш, йўқ қилиб ташлаш усуллари ва шартларини белгилаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва йўқ қилиб ташлаш билан боғлиқ харажатларни унинг эгаси тўлайди.

Озиқ-овқат маҳсулотининг эгаси давлат санитария ва (ёки) ветеринария назорати органларига маҳсулотдан фойдаланилганлиги ёки у йўқ қилиб ташланганлиги ҳақида далолатнома тақдим этади.

18-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри
1997 йил 30 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

«Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ўзларининг ушбу Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 30 август.

ЕСИТПЕГЕН ЕЛДЕ КӨП

ҮНДЕМЕГЕННЕН ҮЙДЕЙ БӘЛЕ...

Инсан әўлады ҳадал мийнетинен тер төгип, пайда келтириўди күн сайын ойлап, бас аўыртып жан сызлатыўы мүмкин. Ал оларға рахметтен басқа айтарың жоқ. Қалайда қыянетшилик пенен қалта толтырыўды ушып, ақылға гейде уғрас келмейтуғын мына ҳийлели усылды ислеткен урылардың, тәжирийбесине тек жағаңды услаў менен боласаң.

Дурысырақ күн көрис ушын дүнья мал табыўға «Киндик өзек» ширкетлер бирлеспесиниң «Абадан» мал шарўашылығы акционерлик жәмийетиниң, падашысы Халмуратов Марқабайдың Нөкис қаласында жасаўшы баласы Жеңисбай әдеўир еншиллеў болып шықты. Жеңисбай алдына қойған аңсат ғана пул табыў ушын бағдарланған мақсетин өз әкесине айтқанда, әкеси де бул пикирди шеп көрмеди...

Аталы-балалылар өзлериниң, күнделикли күн көрисин бунан да бетер жақсылаў ушын жан-нида иске кириси. Булар 1996-жылдың июнь айынан баслап аўыл халқының уйқысын буза баслады... Бир күни сол аўылда жасаўшы Б. Атаниязовтың атыз шетине арқанлап қойған еки жасар қашары ушты күйди жоғалды. Малдың ийеси зер-зебили шығып анда жүўырды, мында жүўырды. Ҳеш таба алмай ақыры жоқлаўын асырды.

Ноябрь-декабрь айларында Бекжановтың еки жасар қара малы, Бекмуратовтың бес жасар ири қара малы атыз шетинде жайылып отлап жүрген жеринен зым-зыя жоғалды.

Сол ўақытта базар баҳасы менен есаплағанда бир талай мыңнан аслам пулды қурайтуғын ҳадал малының жоғалғанына қыйналған мал ийелери сергизден себили шығып излеўди.

Аўыл арасында мал жойтыспақ бунан кейин де ушыраса берди.

Урыларды тезирек тауып, олардың жолын байламаса болмайтуғынын түсинген аўыл жигитлери бул иске билек сыбанып кирисги.

Оларды аўылдағы Марқабайдың кейинги ўақытларда жүрис-турысы адамлар менен қарым-қатнасындағы өзгерислери әдеўир сезиклендирип жүрген еди.

Бурын үйине келип туратуғын Марқабайдың маллар урланғанынан баслап үйине жоламай кеткени малынан айырылғанлардың бири болған Қудайбергенде гүман туўдырды.

— «Әй усы үйде, бир бәле бар-аў» деп сезикленип, Марқабайдың үйинң әтирапын бақлаған аўыл жигитлериниң қулағын қандайда, бир малдың мөңиреген даўысы елең еткизди. Олар сес шыққан тәрепти излеседе малды көре алмады.

Бирақ малдың мөңиреген ашшы даўысы бар еди. Жигитлердиң бири малдың даўысын сол жердеги әтияклап гүдилеп қойған жантақтың астынан шығып турғанын байқап қалды. Дәрҳал жантақты ашып қараса ишн уядай етип салынған қора, ал сыртынан қарасаң жантақ гүди. Ҳеш ким сыртынан зейин берип қарасада, ҳеш нәрсени аңламас еди. Әдеўир күнлер зер-зебили шығып излеп жүрген маллар сол қораның ишинде байлаўлы тур екен. Әне урлықтың изине күнжыйын түскен аталы балалы Марқабай ҳәм оның балалары Жеңисбай ҳәм Адилбайлардың бул усылына жағасын услаўлаған адам қалмаған да шығар.

Урланған маллардың бир нешеўин сатып, олардың қалғанларын усы жасырын қорада сақлап қойған екен.

Аталы-балалы урылардың бул қылмысын ашыўға жәрдем берген, олардың қорасын бақлаўға алып урлықты паш еткен аўыл жигитлери М. Рамбетов, Б. Қырықбаев, Ж. Мусинов, К. Тилеўимбетовларға районлық ҳуқық қорғаў уйымлары ҳәм аўыл халқының алғысы шексиз. Ҳақыйқатлық ушын гүресип қыянетшиликтиң алдын-алыўға жан күйдиретуғын усындай азаматлар ел ишинде көбейе берсе екен деймиз.

Солай етип қыянетшилик жынаятқа қол урып ҳийле қылыўсын узаққа асыра алмаған урылар көп узамай қолға түсип тийисли жазасын алды. Қанлыкөл районлық халық судының шешими менен Халмуратов Жеңисбайға 10-жыл, Халмуратов Марқабайға 9-жыл қатаң режимдеги мийнетке дүзетиў колониясында, Халмуратов Әдилбайға 5-жыл улыўма режимдеги мийнетке дүзетиў колониясында жазаны өтеў шарасы белгиленди.

Айта кететуғын бир жери, Халмуратов Марқабай өзи әке бола тура өзиниң перзентлери менен урлық ислегенлиги кимди болсада, иренжитеди. Ҳәттеки өсип атырған өз әўладларың усындай иске баслағанына гәзебиң келеди. Жас өспримлердиң ендиги тәғдири қалай болады? Әке го өз жолы менен...

Рустем ЕРЕЖЕПОВ.
Қанлыкөл районлық судының басшысы.

ЖИНОЯТЧИНИНГ МИЛЛАТИ БЎЛМАЙДИ

Собиқ иттифоқ ҳудудида ким хавотирсиз яшаяпти?

Иттифоқ тарқаб кетганидан кейин собиқ совет республикалари жиноятчиликка қарши курашда нималарга қодир эканини кўрсатиш имконига эга бўлди. Уларнинг ҳар бири бу борада ўз йўли билан кетди. Уларнинг барчаси янги жиноят кодексига эга бўлди. Мисол учун, бешта янги давлат—Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Молдова ва Литвани олиб кўрайлик. Бу мамлакатларда юз бераётган воқеалар бутун собиқ Иттифоққа хос. Мисол учун, Ўзбекистон жазони кескин кучайтирди, Қозоғистонда махсус терговқўмитаси ташкил этилди, Молдовада милиция полицияга айлантирилди, Литвада эса Ғарб тажрибаси қўлланила бошланди.

Расмий маълумотлардан келиб чиққан ҳолда бу беш мамлакатнинг қайси бирида яшаш хавотирсизроқ эканини аниқлашга ҳаракат қилиб кўрайлик. Аҳвол қуйидагича: Ўзбекистон жиноятчилик бўйича энг тинч мамлакат бўлиб қолди. Ундан кейин Молдова туради. Қозоғистон бешликнинг ўртасидан жой олган. Литва ундан кейин туради. Россия ҳар қандай «рақобатдан ташқарида», яъни охирги ўринни эгаллаган. Ўтган йили Россия Федерациясида 30 мингга яқин қасддан қотиллик содир этилган.

Ўзбекистонда автомобил олиб қочиш бутунлай йўқолган, жиноятчилик даражаси кескин пасайиб бормоқда. Ҳисоботларга қараганда, Қозоғистонда, ҳатто Россияда ҳам жиноятчилик камаймоқда. Литвада эса, расмий маълумотларга қараганда, ўтган йили жиноятчилик саккиз фоиздан ошиқроққа кўпайган. Гап нимада ўзи? Эҳтимол, у ерда жиноятчилик бўйича маълумотлар бўйбежалмай қўйилгандир?

Литвада жиноятчилик 41,3 фоиз очилмоқда. Россияда эса-бу кўрсаткич етмиш фоизни ташкил этади... Қолган учта республикадаги кўрсаткичлар ҳам Россиядаги кўрсаткичларга яқин туради.

Таққослаб кўрайлик: кўпгина маърифий мамлакатларда жиноятчиликнинг очилиши қарийб 40 фоизни ташкил этади.

Бундан ташқари, бу мамлакатларнинг кўпчилигидаги асосий жиноят-ўғриликдан иборат. Ўғрилик барча қонун бузилишининг 80 фоизига яқинини ташкил қилади. Бу маънода маърифий мамлакатлар кўрсаткичларига яқинлашган давлат Литвадир. Бошқа республикаларда ўғрилик барча жиноятнинг 50 фоизидан ошмайди.

Энди мухбирларимиз юборган материаллар билан танишиб, жадвалга яхшилаб қаранг-да, қаерда кўчада бемалол, бехавотир юриш мумкинлигини ўзингиз билиб олаверинг.

1996 йил	Аҳолиси	Қайд этилган жиноятлар	Жумладан қотиллик	Оғир жиноятлар	Ўғрилик	Наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятлар	Киши бошига тўғри келадиган жиноятлар
Ўзбекистон	23,7 млн.	65980	946	946	18778	—	0,003
Қозоғистон	17 млн.	183977	2625	4059	71352	17077	0,01
Молдова	4 млн.	34822	396	8083	17826	726	0,009
Литва	3,7 млн.	57980	405	18814	44600	511	0,016
Россия	148 млн.	2625100	29406	53417	1300000	96700	0,02

МОЛДОВА

ҚОТИЛЛАР КИШИНЕВГА ҲУЖУМ ҚИЛМОҚДА

Молдованинг ҳуқуқ-тартибот органлари, ўзларининг гапига қараганда, «Гравер» номи билан муваффақиятли операция ўтказишди. Операция пайтида қўлга олинган кишидан турли ташкилотларнинг 40 дан ортиқ сохта муҳр ва штамплари топилди. Кейинги пайтда ўғирланиб, сўнг хорижга жўнатилган деярли барча машиналар унинг қўлидан ўтгани аниқланди.

Орган ходимлари у кимса нолегал автобизнес билан шуғулланадиган йирик жиноий гуруҳга олиб борадиган калаванинг учи эканига умид боғлашмоқда. Улар ўтказилган тадбир тўғрисида «ниҳоят мафиянинг думини босдик, энди у қочиб қутула олмайди», деб жар солишга шошилишди. Кишинёв оғир жиноятлар бўйича Москвадан ўрта ҳисобда 2-3 йил орқада юради. Бизнинг ўзимизнинг қотилларимиз пайдо бўлганидан бери ҳали унча кўп вақт ўтгани йўқ, аммо улар 20 га яқин буюртма бўйича қотиллик содир этишди. Ҳали бу қотилликларнинг биронтаси ҳам очилмаган.

Молдова Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими Евгений Вицунинг гапига қараганда, шу йилнинг 8 ойи мобайнида республикада 250 та қотиллик содир этилган бўлиб, уларнинг 182 таси очилган. Бу қотилликларнинг асосий қисми маиший хусусиятга эга.

Ҳар 3 жиноятдан бири мастлик ҳолатида юз беради, дейди полиция зобити. Кайф тарқаганидан кейин жиноятчилар пушаймон бўлиб, ўзлари полиция идорасига келади.

Евгений Вицунинг гапига қараганда, кейинги пайтда оғир тан жароҳати етказиш (317 жиноятнинг 217 таси очилган) ҳамда зўрлаш (158 жиноятдан 128 таси очилган) билан боғлиқ жиноятларни очиш унча қийин бўлмай қолган. Полиция товламачилар билан курашишни ҳам ўрганган.

Александр ТХОРОВ.

ЛИТВА

КЎЧА ЖАНГЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Паневежис марказида куппа-кундуз куни таъсир доираси учун талашаётган тўдалар ўртасида ҳақиқий жанг бўлди.

Қарама-қаршиликка бу билан нуқта қуйилгани йўқ. Ўзаро кураш бошқа шаклда—автомобилларга ҳужум қилиш шаклида давом этди. Улар пачоқланар, ёндириб юборилар эди. Паневежис комиссарлари дастлаб бу ишларни «шунчаки жанжал-да», деб баҳолашди. Анчадан кейин ишга киришишди: бир кечанинг ўзида элликка яқин тинтув ўтказилиб, жиноятчилар ҳибсга олинди.

Кимдир қўлга тушди, кимдир қочиб кетди, бироқ тўдалар энди «пистирма»да ишлашга ўтди. «Вильнюс бригадаси» бошига ҳам шундай ташвиш тушган эди. Бригада раҳбари Борис Деканидзе ҳибсга олиниб, отиб ташланганидан кейин полиция энди гуруҳ тугади, деб ҳисоблаган эди. Лекин ҳатто матбуот ҳам гуруҳ бироз заифлашиб қолгани, лекин тугамагани, бошқа шаҳарлардан келган гуруҳлар таъсир доирасини ўрнатиш учун унинг ўрнига интилаётганини ёзмоқда.

Литва аҳолиси эса ҳайрон: ҳуқуқ-тартибот органлари уларнинг хавфсизлигини таъминлай олармикан? Паневежисдаги уруш тўдаларнинг шаҳар кўчаларида ўз ҳокимиятини ўрнатишининг ёрқин мисоли-ку. Пойтахт Вильнюснинг ўзи ҳам кейинги пайтда хунук шуҳрат қозонган. Президент Альгирдас Бразаускаснинг шаҳарда жиноятчиларни йўқотиш ҳақидаги даъватлари, ички ишлар вазири Видмантас Жемялиснинг уларни тезда йўқотамиз, деган ваъдаси ҳам натижасиз қолмоқда.

Юрий СТРОГАНОВ,
«Труд»нинг ўз мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН

ТОШКЕНТДА КЕЧАСИ ҲАМ САЙР ҚИЛСА БЎЛАДИ

Тошкент шаҳар судининг аъзоси Р. ўз эрига қотил бўладиган одамни узоқ излади. Бир киши беш минг «кўк» валюта эвазига рози бўлган эди, охирги пайтда кўрқоқлик қилди. Иккинчи қотил ундан ҳам кўп сўради. Тошкентда квартира ҳамда янги «Волга»га келишишди. Аммо бу қотил ҳам иш битириш олдидан қаёққадир ғойиб бўлди. Эҳтимол у ҳам кўрққандир. Чунки унча-бунча кишини эмас, вилоят судининг аъзосини ўлдириш лозим эди. Аёлнинг жонига дугонаси ора кирди.

Эр-хотин бир йилдан ошиқроқ вақт муқаддам ажрашган эди. Лекин улар буни судда расмийлаштирмаган, ўзларини орада ҳеч нарса бўлмагандай тутишар эди. Чунки иккаласи ҳам ҳақиқатни қарор топтирувчи бўлиб ишлардиди-да. Бироқ, эри бошқа аёл билан алоқа қилаётганидан хабар топган хотини пул эвазига қасосини олиб берадиган одамни қидира бошлади.

У қотилни топибгина қолмай, ишончлироқ бўлиши учун «иш»га ўзининг ўғли ҳамда унинг ўртоқларини ҳам жалб этди. Курбонни квартирага алдаб олиб кирди. Телевизор кўриб ўтирган судяга кутилмаганда бир неча киши ташланган пайтда аёл гўё ошхонада банд эди. Қотиллар курбонни сўйиб, танасини майда-майда бўлакларга бўлишди-да, пакетларга солиб, улкан шаҳарнинг турли жойларига олиб бориб ташлашди. Шошилинчда бир бўлакни жиноят содир бўлган жой яқинидаги ахлатхонада тушириб қолдиришди.

Қотилликни очиш ва қотилларни ҳибсга олиш учун тўрт ойча вақт керак бўлди. Қотилнинг буюртмачиси тўппа-тўғри иш кабинетида қўлга олинди. Бу муайян ишда, қатрада куёш акс этганидек, республиканинг ҳуқуқ-тартибот органлари жиноятчилика қарши қандай курашаётгани яққол кўриниб турибди. (Бундан бир неча йил бурун пойтахт шаҳар суди аъзоси ўз кабинетида қўлга олиниши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эди)

Ўтган йилда (1992 йилга нисбатан) рўйхатга олинган жиноятлар сони 25 фоизга камайгани ҳам бежиз эмас. Ўзгаларнинг мулкини ўғирлаш миқдори ҳам қарийб икки баравар камайди. Ўғрилик ва талончилик 37 ва 46 фоизга, автотранспортни ўғирлаш ҳоллари эса бир неча бараварга камайди. Қотиллик сингари жиноят тури ҳам тобора камайиб бормоқда.

Тўғри, айни пайтда порахўрлик ва товламачилик бўйича кўрсаткичлар анча ўсди. Бу жиноятлар 1991 йилда 238 ва 926 тани ташкил этган бўлса, 1996 йилда 656 ва 1867 тага етди. Лекин Тошкент аҳолиси ва меҳмонлари кеча-кундузнинг исталган маҳалида кўчада бехавотир сайр қилиши, уйлари ёнида машиналарини қаровсиз ташлаб кетиши мумкин. Ишонгингиз келмайди, лекин ҳақиқатдан ҳам шундай!

Валерий БИРЮКОВ,
«Труд»нинг ўз мухбири.

ҚОЗОҒИСТОН

ШАҲАР ТЕМИР ҚАФАС ИЧИДА

Қозоғистон жиноятчилари оламида барча тинч аҳоли бошига кулфатлар келтираётган «қайта куриш» жадал бормоқда.

..Олма-отадаги «Кенсой» мусулмон қабристонида дабдабали дафн маросими бўлди. «Яшил бозор»—қариялар мамлакатнинг бош бозорини шундай деб аташади—директори билан видолашишга жуда кўп одам келди. Ишчан, жозибали, турли-туман доиралар билан яқин алоқада бўлган «Яшил бозор» раҳбари мамлакат Президенти қароргоҳининг яқинидаги уйдаги квартирасида ўлдирилган эди.

Бу воқеа яқинда юз берди. Бироқ ҳозир кўпчилик бў қотилликни эсламайди—одамлар диққатини янги фавкулодда ҳодисалар, янги ташвишлар банд қилган. Бу ташвишлар туфайли қўриқчилар бозорида нарх-наво тобора ошиб бормоқда. Пул тўлашга қодир кишилар турар-жойларини мустаҳкамламоқда, эшикларига зирҳ, сигнализация ўрнатмоқда, қурол сотиб олмоқда, катта-катта қопағон итлар боқмоқда. «Янги қозоқлар»нинг коттежлари эшиги олдида эса, ҳарбий кийимдаги жангчи турибди. Уларнинг биттаси кўрингани билан, ичкарида—заҳирада қанчаси бор—Худо билади.

Илгариги очиқ, меҳмондўст, сокин Олма-ота ҳозир қафасланган шаҳарга айланиб қолган. Ўғирликлар, куппа-кундузи талончиликлар бу ерда оддий ҳодиса бўлиб қолган.

Мунтазам ўтказилиб туриладиган «Курик» — «Сиртмоқ», «Ҳуқуқ-тартибот» тадбирлари ҳамда шаҳар кўчаларини мунтазам равишда «тозалаб туриш» очиқдан-очиқ жиноятчиликни бироз камайтирган, албатта. Бироқ...

Бў йилнинг ўзида Қозоғистонда умумий жиноятчилик 10 фоизга камайгани ҳолда, безорилик икки мартадан ортиқроқ, ўғрилик, талончилик ва қасддан қилинган қотиллик сезиларли даражада кўпайди. Тижорат телеканалларида ҳар кечқурун жиноятчиликка қарши курашадиган махсус бўлинмаларнинг жиноятчи тўдалар билан жангини кўриш мумкин.

Ҳа, ашаддий—қайта жиноятга қўл уриш сезиларли даражада камайган ва камайиб бормоқда. Лекин буни ҳам изоҳлаш осон: тўда раҳбарлари энди «иш»га ўзи бориб юрмайди. Овуллардан келган ҳамда шаҳарни тўлдириб юборган ёшлар арзимаган пул учун ҳамма нарсага тайёр.

Наркобизнес—ҳам шаҳардан ўтадиган наркобизнес, ҳам «уйдаги ҳосил» йиғими ўта мураккаб муаммога айланган. Бу йилнинг ўзида 15 тоннага яқин наркотик модда мусодара қилинди.

Бу орада Қозоғистон ички ишлар вазирлиги Акмолага кўчай деб турибди. Қозоғистоннинг янги пойтахти бўлмиш бу шаҳарга тергов хоналарини, иккита колонияни маҳбуслари билан кўчириш керак бўлади. Бу—жуда мураккаб иш. Олма-отада жиноятчиликка қарши кураш бироз заифлашиши аниқ.

Олег КВЯТКОВСКИЙ,
«Труд»нинг ўз мухбири.

ДАРВОҚЕ

Жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш зарурати ҳамда бу заруратни англаш, афсуски, жиноятчилар янги давлатлар мустақиллигининг барча ижобий томонларидан фойдаланиб бўлганидан сўнггина юзага чиқди. Тўғри, ҳозир доимий орган—МДҲ мамлакатлари Ички ишлар вазирликлари Кенгаши фаолият кўрсатмоқда, ҳамкорликда иш олиб бориш, жиноятчиларни бир-бирига қайтариб бериш тўғрисида битимлар имзоланган.

Бироқ, буларнинг барчаси—дастлабки қадамлардир. Ҳозиргача айтайлик, собиқ иттифоқдош республикалар худудида беркиниб юрган россиялик жиноятчини «олиб чиқиш» учун Бош прокуратура ҳамда Ташқи ишлар вазирлигининг аралашуви керак. Аммо ҳозирча идораларда қоғозбозлик давом этар экан, жиноятчилар бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга бемалол ўтиб юрибди.

Тахминларга қараганда, янги давлатларнинг биронтасида ҳам яқин икки-уч йил ичида жиноятчиликнинг кескин камайиши кутилмайди.

(«Труд» газетасининг 1997 йил 10 октябр сонидан олинди.)

«АДАМ ҲӘМ НЫЗАМ»

ШӨЛКЕМЛЕСТИРИУШИЛЕР; Қарақалпақстан Республикаси Прокуратурасы, Әдиллик Министрлиги ҳәм Ишки ислер Министрлиги.

Газета А-3 формасында нусқасы 12500
582 буйыртпа менен басылды.
Газета айына 3 мәртебе шығады.

Бас редактор Роза КӨБЕЙСИНОВА.

Редакцияның жәмийетлик кеңесгөйлери;

Парахат АЙТНИЯЗОВ, Бахмурат СЕЙТМУРАТОВ, Батыр МАТМУРАТОВ, Халмурза МАМУТОВ, Фархад НИЗАМОВ, Азат НУРЖАНОВ, Жаңабай САДЫҚОВ, Жаңабай ШЫЛМАНОВ, Замира ШАМУРАТОВА, Ҳакимбай ХАЛИМОВ.

Мәкан жайымыз;
Инд; 742000. Нөкис қаласы
Ғәрезсизлик көшеси №44 жай.
телефон; редактор; 4—47—59.

Басыўға рухсат етилген ўақты 15.00
Индекси пуқаралар ушын—321, кәрханалар ушын—322.

Баспасөз бойынша Қарақалпақстан Республикасы Мәмлекетлик комитетиниң Нөкис полиграфкомбинаты.